



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

“Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 апрелдаги 15, 125, 2017/10-3, 2017-09, 01-02/8-8-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига (рўйхат рақами 2885, 2017 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 20-сон, 374-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. Кучкаров

Тошкент ш.,
2019 йил “___” _____,
_____ -сон

Иқтисодиёт ва саноат вазири

Б. Ходжаев

Тошкент ш.,
2019 йил “___” _____ ,
_____ -сон

Инвестициялар ва ташқи савдо вазири

С. Умурзаков

Тошкент ш.,
2019 йил “___” _____ ,
_____ -сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. Мусаев

Тошкент ш.,
2019 йил “___” _____ ,
_____ -сон

Давлат божхона қўмитаси раиси

М. Азимов

Тошкент ш.,
2019 йил “___” _____ ,
_____ -сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,
Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси
ва Давлат божхона қўмитасининг
2019 йил “___” _____ даги
___, ___, ___, ___ ва ___ -сон қарорига
ИЛОВА

**“Тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини
ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ
ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги “Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомдаги:

а) 1-банднинг “а” кичик бандидаги:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловадан “М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Мазкур ўзгартиришлар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан келишилган.

**“Ўзтўқимачиликсаноат”
уюшмаси раиси**

И. Хайдаров

2019 йил “___” _____

